

Биологияни ўқитишида инновацион технологиялардан фойдаланиш (2 соатлик маъруза матни)

Биология фанларини ўқитишида инновацион технологиялардан фойдаланиш

Маъруза режаси:

1. Инновацион технологияларининг мақсади ва вазифалари.
2. Дарс жараёнини лойихалаштириш; дарснинг технологик харитасини тузиш.
3. Биологияни ўқитишида қўлланиладиган асосий технологиялар (тренинглар)
 - A) Модул технологияси
 - B) Дидақтик ўйинли технологиялар
 - C) Мусобақа дарслари
 - D) Ҳамкорликда ўқитиши
4. Биология дарсларини ташкил этиш ва ўтказишга қўйиладиган асосий талаблар.
Дарснинг дидақтик мақсади: тингловчиларда асосий инновацион технологиялар ва улардан биология фанларини ўқитишида фойдаланиш тўғрисида тушунча ҳосил қилиши.

Инновацион технологиялар тўғрисида тушунча


Анъанавий таълим ўқувчиларни тайёр билимларни ўзлаштиришга ўргатади, унда ўқитувчи шахси асосий ўринни эгаллаган бўлиб, ўқувчи эса бу жараённинг пассив иштирокчиси бўлиб келган. Илмий-техника революция даврида ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган илмий ахборот хажмининг кескин ошиб кетиши билан анъанавий таълим кам самарали бўлиб қолди. Ана шунинг учун келиш даври интерактив методлар, инновацион педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига киритишига қизиқиши тобора кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар ўқувчиларни эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишга, мустақил ўрганиш, таҳлил қилиш ва олинган билимлардан ўзлари хуласа чиқаришига ўргатади. Инновацион технологиялар инглизчадан “innovaton” янгилик киритиш – педагогик жараён, яъни ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти ўзгариш, янгилик киритиш, ўқув жараёнида интерактив методлардан тўлқин фойдаланишни ўз ичига оладиган воситалар эса ўқувчининг берганликда фаолият орқали таълим мазмунига таъсир қўрсатадиган воситаларни ўз ичига олади. Бундан ҳамкорликнинг ўзига хос хусусиятлари қўйдагилардан иборат.

- ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасдан, ижодий фикрлаши ва изланланувчан имкон яратиши
- ўқувчининг билим олиш иштиёқини мунтазам ошириб бориш;
- ўқувчининг ҳар қандай муаммога ижодий ёндошувига ўргатиши;
- педагог ва ўқувчи фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш.

Педагогик технологиялар-ўқувчи ва ўқувчининг кафолатланган натижага эришиш учун ўқувчи билан ўқувчининг ҳамкорлигидаги фаолиятидан иборат. Бу жараён ўқиш ва бошқаларни, бошқа интерактив воситалардан фойдаланишни ўз ичига олади.

Бу жараёнда кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи билан ўқувчининг ҳамкорлигига фаолияти, ўқувчининг ижодий ишлар мустақил фикрлаши, изланиши, таҳлил қилиши ва хуласалай олиши, ўқувчининг ўзига ва гурухга, гурухнинг ўқувчига баҳо беришига имкон яратилиши билан боғлик. Ҳар бир дарсга ўқувчилар қизиқиши мавзу мазмуни ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда ўзига хос технология қўлланилади. Дарснинг технологик харитаси олдиндан лойихалаштирилган бўлади.

Ўқув жараёнида ўқитувчи билан ўқувчи ҳамкорлигини қўйидаги схема орқали ифодалаш мумкин.



Юқорида келтирилган чизмадан кўзланган мақсадни амалга оширилиши ва кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи билан ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти, ҳамда танланган мазмуни, метод, шакл ва восита (технология)га боғлиқлиги қўриниб туриди. Танланадиган технология ўқитувчи ва ўқувчининг ихтиёрида бўлиб, бунда ўқитувчи билим савияси, ва шароитга боғлиқ бўлиб, компьютер фильм, тарқатма материал, чизмалар, плакатлар, адабиётлар ва бошқа ахборот технологичларни ўз ичига олиши мумкин. Шунинг билан бирга ўқув жараёнини олдиндан лойихалаштириш лозим. Ана шу йўл билан ўқувчи ўқув жараённинг марказий объектига айланади.

Ўқитувчи хар бир дарснинг технологик харитасини ўқувчилар билими, эҳтиёжи ва қизиқишини ҳисобга олган ҳолда тузиб чиқади. Бундай харитани тузиб чиқиш ўқитувчидан катта педагогик, психолоғик, хусусий методик ва ахборот технологияларини билишни талаб қиласди. Ҳар бир дарснинг ранг-баранг бўлиши ва қизиқарли ўтиши учун дарснинг олдин пухта ўйлаб тузилган технологик харитаси зарур бўлади. Технологик харитани тузиш ўқитувчини дарсни кенгайтирилган конспектини тузишдан озод этади. Чунки технологик харитада дарс жараённинг барча томонлари акс эттирилади.

Кўйида биологиядан ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин бўлган айрим технологиялар тўғрисида тавсиялар берилади. Биология дарсларида модулни ўқитиш, дидактик ўйинлар (саҳналаштирилган ва ролли ўйинлар) мустақил дарслари, каманда билан ҳамкорликда ўқитиш, ўз-ўзини баҳолаш технологиялардан муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

Модулли ўқитиши технологияси. Модулли (лотинча модул, қисм, блок) ўқитиши олдиндан тузиб этишдан иборат. Бунинг учун дарс мавзуси мантиқан тугал, нисбатан мустақил қисмлар (модуллар, блоклар)га ажратилади. Бундай қисмлар ўқув элементлари (ЎЭ) дейилади. Ўқитувчи дарснинг технологик харитасини олдиндан ишлаб чиқади. Харитада ҳар бир ўқув элементи бўйича ўқувчи эришиши лозим бўлган мақсад, у бажарадиган ўқув вазифалар ва унинг ўзлаштириш даражасини текшириш учун саволлар кўйилади. Модул дастури машғулотда ўқувчилар ўзлаштирган билимни якунлаш билан тамомланади. Модулли ўқитиш технологияси якка ўқувчига ёки ўқувчиларнинг кичик гуруҳига мўлжалланади. Модул дастури дарснинг технологик харитасидан иборат бўлиб ҳар бир ўқувчига тарқатилади. Модул дастурида кўйилган вазифалар ўқувчи иш дафтарига ёзиб борилади. Модулли дарс технологик харитасига ўқувчилар билимини аниқлаш учун зарур бўлган топшириқлар илова қилинади. (1-иловага қаранг).

Дидактик ўйинли технологиялар. Дидактик ўйинли технологиялар ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятин ўйин фаолияти билан қўшиб олиш борищдан иборат. Дидактик ўйинлар мусобака, рақобат, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик тарзида олиб борилади. Бунинг учун ўқитувчи дидактик ўйиндан кўзда тутилган мақсад, уни амалга ошириш йўллари, ўйин мазмуни ва иштирокчилари фаолиятини аниқлаб олади. Дидактик ўйин дарслари таълим ва тарбия бериш, ўқувчилар фаолиятини йўналтириш, касбга йўналтириш, ўқувчиларнинг мулоқат ва нутқ маданиятини ривожлантириш, улар билимларини чукурлаштириш ва шахсини ривожлантириш вазифасини бажаради.

Дидактик ўйинли дарсларни мазмунига кўра саҳналаштирилган ролли ўйинлар, ижодий ишбилармонлик ўйинлари, конференция ва ўйин машқли дарсларга ажратиш мумкин.

Саҳналаштирилган ўйинлар. Муаммоли вазиятнинг бор тури бўлиб, ҳаётий вазиятларни ўқувчилар томонидан саҳналаштирилишдан иборат. Уларда дидактик

мақсад ўқувчилар олдига вазифа тариқасида қўйилади; ўқувчиларнинг ўқув фаолияти ўйин қоидасига бўйсундирилади.

Ишбилиармонлик ўйинларида иштирокчиларига ўйин мавзуси таклиф этилади. Мавзу бўйича улар олдига таклиф этилган муаммони ечиш улар олдига таклиф этилган муаммони ечиш қўйилади. Ҳар бир иштирокчи ўз ролига мувофиқ келадиган чиқиш тайёрлайди ва бу ҳақда барча иштирокчилар билан маслаҳатлашади. Гурухнинг барча аъзоларини фаолияти умумий мақсадга эришишга қаратилади. Баҳолаш ўқувчиларнинг ташкилий фаолияти ва уларнинг умумий мақсадга эришишдаги ролли ўйинларининг мазмуни билан белгиланади. Ишбилиармонлик ўйинларидан ботаника дарсларида маданий ва доривор ўсимликларни ўрганишда, зоология дарсларида уй ҳайвонлари зотларини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Ишбилиармонлик ўйинлари учун чорва моллари паррандачилик, балиқчилик, маданий ўсимликлар, доривор ўсимликлар мавзулари бўйича аукцион дарслари уюштириш мумкин.

Ролли ўйинлар ҳам гуруҳда бажарилади. Унда ҳар бир иштирокчи ўз индивидуал мақсадни бошқа гурух аъзолари билан келишиб олмайди. Ҳар бир иштирокчи ўзини намоён этиш ва ғалаба қозониш учун харакат қиласи. Баҳолашда ҳар бир иштирокчининг харакати ва умумий мақсад йўлидаги харакати ҳисобга олинади.

Ролли ўйинларда бир-бирини инкор этувчи вазиятлар пайдо бўлади. Ҳар бир иштирокчи бу вазиятдан чиқиш учун мантиқан тўғри йўлни танлайди. Ишлаб чиқилган ролли ўйинлар мумкин қадар ўқув материали билан боғланган ва ҳаётий, иштирокчилар ёши ва тайёргарлик даражасига мос келиши лозим. (қаранг 3-илова).

Ижодий ўйинлар ўқувчилар ўзлаштирган билим, кўнишка ва малакалари ижодий қўллаш, ўқиши жараёнида пайдо бўладиган муаммоли вазиятларни ижодий изланиш орқали ҳал этишдан иборат. Бундай ўйинлар ўқувчиларнинг мустақил ижодий изланишлар ва мантиқий фикрлашини ривожлантиришга, билимларни янада мустаҳкамлаш ва янги билимлар беришга қаратилган бўлади.

Ижодий ўйинлардан барча биология фанларида йирик мавзулар ва боблар бўйича ўрганилган билимларни умумлаштириш мақсадида фойдаланиш мумкин. Бунда синфдаги ўқувчилар ўзлаштириш даражаси ва сони бўйича бир хил имкониятга эга бўлган гурухларга ажратилади. Ҳар бир гурух ўқитувчи тавсия этган топшириқларни мустақил ижодий бажаради. Гурухларни шартли равишда эколог, эмбриолог, михолог, паразитолог, альголог кўбаби мутахассислар деб ажратиш мумкин. Ҳар қайси гурух мутахассислари ўқитувчи тавсия этган топшириқларни мустақил ижодий бажариб, фонда “янгилик” кашф этишади. Ўз жавобларини кўргазмали қуроллар ёрдамида асослаб беришади.

Илмий конференция дарслари ўқиши фаолиятини илмий изланиш, маъруза ва баҳс шаклида ташкил этишдан иборат. Бундай дарсларда яхши ўқийдиган ва кизиқувчи ўқувчилар биолог олимлар вазифасида конференцияда чиқиш учун маъруза ва кўргазмали воситалар тайёрлашади. Қолган ўқувчилар конференция иштирокчилари сифатида ўзларини қизиқтирадиган муаммолар юзасидан саволлар тайёрланади. Илмий конференция дарснинг асосий мақсади ўқувчиларни қўшимча адабиётлар, илмий-оммобоп материаллар билан ишлаш, маъруза тузиш, ўз фикрини баён этиш кўнишка ва малакаларини нутқ ва мулоқат маданиятини ривожлантиришдан иборат.

Ўқитувчи илмий конференция дарси мавзусини олдиндан белгилаб беради. Уни алоҳида кичик мавзуларга ажратади. Кичик мавзулар учун қўшимча адабиёт танлайди. Конференцияга тайёргарлик бўйича зарур кўрсатмалар беради. Қуйида суякли балиқларнинг хилма-хиллиги мавзуси бўйича илмий конференция дарснинг режаси келтирилади.

1. Ўқитувчининг кириш сўзи (конференция иштирокчилари билан танишиш, дарс мавзуси, мақсади, вазифалар)
2. Илмий маърузалар (биолог олимларнинг ўз мавзулари бўйича чиқишлари, саволларга жавоблар)
3. Маърузалар мухокамаси (олимлар ва ўқувчиларнинг мавзулар юзасидан баҳси)

4. Илмий конференцияни якунлаш (мавзуни умумлаштириш, конференция иштирокчиларини рағбатлантириш, уйга вазифа бериш)

Матбуот конференцияси дарслари синфдаги барча ўқувчилар иштирокида ўтказилади. Ўқувчилар бир қисми соҳалар бўйича мутахассислар, кўпчилик қисми газета, журнал ва телемуҳбирлар вазифасини бажаради. Конференция мавзуси ва иштирокчиларининг вазифаси камида бир ҳафта олдин маълум қилинади. Ўқитувчи ўқувчилар билан бирга конференцияда олимларга бериладиган саволлар ва уларнинг жавобларини муҳокама қилишга киришади. Саволлар ва уларнинг жавоби қисқа ва аниқ бўлиши лозим.

Матубот конференцияси дарслари кириш, конференция ўтказиш ва уни якунлаш қисмларидан иборат. Кириш қисмida ўқитувчи дарс мавзуси, конференциянинг мақсади ва унинг иштирокчиларини таниширади. Конференциянинг амалий қисмida олимлар ва мутахассислар муҳбирларнинг саволларига жавоб беришади. Конференция сўнгидан муҳбирлар берган жавобларнинг мазмунига якун ясалади; фаол иштирокчилар рағбатлантирилади.

Муаммоли ўқитиши технологияси

Командалар ўртасида мусобақа дарслари. Муаммоли ўқитиши ўқитувчининг дарсда муаммоли вазифалар яратиши ва уларни ўқувчилар иштирокида ҳал этишидан иборат. Муаммоли вазиятлар яратишнинг асосий мақсади ўқувчиларни мантиқий фикрлашга ўргатиш, уларда таҳлил қилиш, хулосалаш каби кўникмаларни шакллантиришдан иборат. Дарс жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ечишда мантиқий методлар: индукция, дедукция, таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш катта аҳамиятга эга. Муаммоли вазиятлардан дарс жараёнида янги мавзуни ўрганиш, мустаҳкамлаш ва билимини назорат қилишда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ўқитувчи олдиндан мавзуни танлайди ва муаммоли вазиятни пайдо қиласиган савол ва топшириқларни тузиб чиқади. Муаммоли дарсларни йирик мавзулар, ўқув чораги ёки ўқув йилини якунлаш пайтида командалар ўртасидаги мусобақа шаклида ташкил этиш яхши натижা беради. Бундай дарсларда ўқувчилар мавзу ёки ўқув предметидан олган билимларини янги вазиятда қўллаш, олган билимлар асосида янги билимлар ҳосил қилиш. Ўз фикрларини далалар орқали исбот қилишни ўрганишади.

Муаммола дарсларни командалар мусобақа тарзида ўтказиш учун синф ўқувчилари бир неча команда (гурух)ларга бўлинади. Ҳар бир гурухга сардор тайинланади. Мусобақа бир неча (4-6) босқичда ўтади. Ҳар бир босқичда ҳар бир гурухга биттадан топшириқ берилади. Ўқувчилар топшириқни ўз гуруҳида муҳокама қилишади ва жавоб беришади. Охирги топшириқ “1 минут давомида энг кўп саволга жавоб топиш” ни команда сардорилари бажаришади. Ўқувчиларни жюри боҳолайди. Дарс охирида командалар фаолиятига якун ясалади. Энг кўп балл олган команда ва энг фаол иштирокчилар раҳбарлантирилади.

Ҳамкорликда ўқитиши технологияси

Ҳамкорликда ўқитиши ўқув топшириқларини ўқувчиларнинг биргаликда бажариши ва ҳамкорликда ўқишидан иборат. Ўқитувчи дарсни ташкил этиш учун мавзуни аниқлайди, дарс режаси, ўқувчиларнинг дарсда бажариши ва улар билимини баҳолаш учун топшириқлар ишлаб чиқади. Ушбу технология олган билимлар асосида ўқувчиларнинг кўникума ва малакаларини, муҳокама ва мунозара фаолиятини ривожлантиришни кўзда тутади.

Ҳамкорликда ўқитишининг командада ўқитиши ва кичик гурухларда ўқитиши (appa) методлари мавжуд.

Командада ўқитиши технологияси. Бу методда синфдаги ўқувчилар teng сонли икки гурухга ажратилади. Командалар бир хил топшириқ олишади. Бу технология бўйича ҳар бир ўқувчининг қўлга киритган натижаси бутун команда учун тегишли бўлади. Шунинг учун ўқувчи ўзи эришган натижадан бутун команدادан манфаатдорлигини англаши ва

күпроқ билим олишга интилади. Командадан ўқитиша топшириқлар бир неча (3-4) босқичда бажарилади. Топшириқлар мuloҳаза асосида жавоб бериладиган саволлар ва тўлдириладиган жадваллар, унсиз расмлар, чизмалардан иборат бўлиши мумкин. Командада ўқитиш ҳар бир команда олган тест топшириқлари орқали аниқлаш билан якунланади.

Кичик гурухларда ўқитиши. Бу технологияда ўқувчилар икки-тўрт кишидан иборат гурухларга ажратилади. Ўқув топшириқлари ҳам ўқувчилар сонига мос қисмларга ажратилади. Ҳар бир ўқувчи топшириқнинг бир қисмиини бажаради ва гуруҳдошларини ўқитади. Дарс ўқувчилар билимини тест топшириқлари ёрдамида баҳолаш билан якунланади. Кичик гурухларда ўқитиш қуйидаги режа асосида олиб борилади.

1. Ташкилий момент: дарс мавзуси, мақсади вазифаларининг эълон қилиш.
2. Ўтган дарс юзасидан ўқувчилар билимини баҳолаш.
3. Янги мавзуни гурухларда ўрганиш.
4. Янги мавзу бўйича гурухлар ўртасида баҳс ўтказиш.
5. Ўқувчилар билимини баҳолаш.
6. Дарсни якунлаш ва уйга вазифа бериш.

Ҳамкорликда ўқитишининг “арра”, яъни зигзаг технологияси. Синф ўқувчилари 4-8 тадан 4 та гурухларга ажратилади. Дарс материаллари ҳам гурухлар сонига мос блокларига ажратилади. Ҳар бир блок учун топшириқлар тузилади ва ҳар бир гурухга биттадан блок тарқатилади. Ҳар бир гурух мазкур блок учун иккитадан мутахассис тайёрлайди. Сўнгра ҳар бир гурух яна иккига ажаратилади ва мутахассислар уларни ўқитишни давом эттиради.

“Арра” методини рангли карточкалар ёрдамида ҳам ташкил этиш мумкин. Масалан: синфдан 16 та ўқувчи бўлса уларни 4 хил (қизил, кўк, сариқ, яшил) рангли карточкалар ёрдамида 4 та мутахассислар тайёрлаш гурухларга ажратилади. Ҳар қайси гуруҳдаги ўқувчиларнинг карточкалари 1 дан 4 гача рақамланган бўлади.

Топшириқлар бажарилгач ҳар бир гурух яъна 4 та гурухга ажратилади. Энди бир хил рақамли, лекин ҳар хил карточкаларга эга бўлган ўқувчилардан яна 4 та гурух тузилади. Энди янги ҳосил бўлган гурухларнинг ҳар бири соҳа (блок) бўйича биттадан мутахассисга эга бўлади. Шунинг учун бу жараён “Мутахассислар учрашуви” дейилади. Мутахассислар ўзлари ўрганган билимларини бир-бирига тушунтириб беришади. Дарс ўқувчилар билимини ётпасига баҳолаш билан якунланади.

Ўз-ўзини баҳолаш технологияси.

Ўз-ўзини баҳолаш технологияси ўқувчига ўз билимини яъни эришган мувоффакиятларини доимий назорат қилиб беришга имкон беради; унинг ўқув фаолиятини раҳбарлантиришга имкон беради; ўқувчининг мустақил фикрлаш, мuloҳаза фан таҳлил қилиш, ҳулосалар қобилиятини оширади; ўқитувчи вактини тежайди.

Ўз-ўзини баҳолаш технологиясини амалга ошириш учун ҳар бир ўқувчи алоҳида тест-назорат дафтарига эга бўлиши керак. Ўқувчиларга синаладиган мавзу бўйича тест топшириқлари тарқатилади. Ўқувчилар топириқларининг жавобларини дафтарга ёзма балл ҳарфлар билан ёзиб беришади ва ўз жавобларини дафтарнинг бўш қолган саҳифасидан вертикал чизиқ орқали ажратиб қўйишади. (жавоблар ёпилади.)

Ўқитувчи тест-назорат дафтарига ёзилган жавобларни кўздан кечириб унга ўз белгисини қўяди.

Тўғри жавобларни ўқитувчи доскага ёзиб беради. Ўқувчи ўз жавобларини текшириб нотўғри жавобларини ҳалқага олади; кўрсатилмаган тўғри жавобларини тик чизиқдан ўнг томонга ёзиб қўяди. Ўқувчи ўз билимини қуйидаги формула орқали баҳолайди.

$$X = \frac{C - (a + b)}{C} \cdot D$$

формуладаги С-тестдаги лозим бўлган тўғри жавоблар сони, D-ўқувчини билимiga қўйилган энг юқори бални, а-нотўғри кўрсатилган жавоблар сонини, в-кўрсатилмаган тўғри жавоблар сонини билдиради.

